

Туркияда Андижон қирғинининг 9 йиллиги хотирланди

🕒 11 Май 2014

[f](#) [🐦](#) [👤](#) [📧](#) [Баҳам кўринг](#)

Истанбулнинг "Боғларбоши" конференциялар марказида Андижон қирғинининг 9 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтган.



Қатнашчилар тоталитар режимларнинг табиати ва халқларнинг бундай режимларга қайси йўллар билан курашишлари кераклиги ҳақида фикр алмашганлар.

Туркиядаги "Ўзбеклар бирлиги" ва "Туркистон бирлиги" ташкилотлари томонидан уюштирилган ва муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тарафидан дастакланган анжуманда Туркия ва бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ва инсон ҳақлари ташкилотлари вакиллари, шунингдек, муҳожиротдаги ўзбек диаспораси намояндалари иштирок этишган.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ Андижон фожиасидан буён кечган 9 йил тарих олдида "ҳечлиги, аммо шу қадар қисқа муддатда фожианинг унутилаёзганидан таажжубда" эканини айтади.

"Афсуски, биз халқ ўлароқ жуда унутувчан ва жуда лоқайд бўлиб бораяпмиз, шекилли. Чунки Андижон фожиасидан бор-йўғи 9 йил кечди, жуда кўплар бу ҳақда эсламайди ҳам, ҳатто "сизлар нимани хотирлаяпсизлар", дея киноя ҳам қилишади баъзилари. Бу лоқайдлик мени ҳайратга солади ва ва наҳотки биз шу қадар орсизлашдик, дея даҳшатга тушаман. Бизнинг ўз фожиаларимизга лоқайдлигимизни кўрган золимлар бундай қатлиомларни осонликча такрорлашлари учун замин яратади бу. Қани бизнинг миллатпарвар зиёлиларимиз?. "Гўзал Туркистон санга на бўлди?", деб куйлайдиган шоирларимиз қаерга ғойиб бўлди?."

Бугун Андижонда ҳалок бўлган қаҳрамонларимиз ҳаққига Оллоҳдан раҳматлар тилайман ва Оллоҳ бизнинг ор ва номус туйғумизни тирилтирсин, деб дуо қиламан", - дейди Муҳаммад Солиҳ.

Анжуман қатнашчилари Андижон қирғини атрофидаги жимжитликка қарамасдан, қирғиннинг унутилишига йўл қўйиб бўлмаслигини айтганлар.



Андижон шаҳрида 2005 йил 13 май, жума куни ҳукумат қўшинларининг ўз талабларини айтиб чиққан асосан тинч намоийшчиларни қақшатқич ўққа тутиши оқибатида юзлаб инсонлар ҳалок бўлганди.



Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Андижондаги 13 май хунрезлигини "қирғин", деб таърифлашганди.

Фаоллар Андижонда ҳалок бўлган намоийшчилар сони расмий рақамлардан "бир неча маротаба" кўп эканини таъкидлашади.

Ўзбекистон ҳукумати аксарияти террорчилар бўлган 187 кишининг ҳалок бўлганини айтиб келади.

Ҳожеали воқеалардан 9 йил ўтиб, Андижонда аслида нималар содир бўлгани борасида расмий ва норасмий фаразлар бир-биридан ҳар доимгидан кўра ҳам тафовутлироқ.

Вақт ўтгани сайин бу фарқ тобора каттариб бормоқда ва вақт ўтгани сайин хунрезлик гувоҳларининг овози тобора пасайиб бормоқда.

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



 [Тепага қайтиш](#)

Бу мавзуда батафсилроқ

2005 йил 13 майда Андижонда нималар бўлган эди?

13 Май 2013

Андижон хунрезлиги қурбонларини хотирлаш маросимларининг бу йилги маркази Истанбул бўлди

11 Май 2013

"Ғарбнинг дастаги Андижон воқеаларининг такрорланиш эҳтимолини кучайтиради"

13 Май 2013

'Ўзбекистондаги қирғин' халқаро фильм фестивалида намоиш этилади

Андижон қирғини: 'Оврўпо Иттифоқи ўз мажбуриятларига хиёнат қилди'

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



Ўзбекистон, СПИД ва Азима: ВИЧ ҳақида 10 ҳақиқат нима?



Ўзбекистон қўрққан Роғун очилди. Энди нима бўлади?



Ўзбек аёли Би-би-сининг «Энг нуфузли 100 аёл» рўйхатидан жой олди. Рўйхатда яна кимлар бор?



Президент матбуот хизматига ким раҳбар ё Ўзбекистон ахборот маконида нима ўзгарди?



Туркия, Ислон ва мусулмонлар: “Мендан эркак яратишмоқчи эди, бўлмади”



Рўзибой Қўлдош: ҳали ҳам “фалончи экранда кўринмасин” деган топшириқлар бор



Испания ва Ислон: Европанинг энг машҳур араб қасри - Алҳамбра



Ўзбекларни ким хўрламоқда?



Камбағал вилоятлик энди Тошкентда яшамайди

Энг кўп ўқилган

Россия ва миграция: Ўзбекистонлик миллиардерлар ҳам мигрантлар ҳақида қайғурадимми?

1

Ўзбекистон: Каримовнинг "бўтқа дини"ни қоралаган ёзувчидан айблар олиб ташланадимми?

2

Ўзбекистон: Мирзиёевнинг ислохотларига нима бўлмоқда?

3

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Arts

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas. Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir.